



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 5 апрель, № 66 (6501)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ, СИФАТЛИ ВА ЭКСПОРТБОП

маҳсулотлар тайёрлашга кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда

Мамлакатимизда иқтисодиёт-ни таркибий ўзгартириш бора-сидаги ишлар изчил давом эттирилиб, бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб берилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Чунки ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш, қисқача айтганда, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда ушбу соҳа тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этаёпти.

ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда биргина Самарқанд вилояти ялли ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 77,9 фоизга етгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, ҳудуднинг sanoat салоҳиятини юксалтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги савдо йўлакларини очишда мазкур соҳа вакиллари ташаббус кўрсатмоқда. Самарқанд туманида фаолият юритаётган “Stekloplastik” масъулияти чекланган жамияти ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектлари сирасига қиради.

— Корхонамизда Германия, Хитой каби хорижий мамлакатларнинг энг замонавий асбоб-



ускуналари ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида тиббиёт ҳамда таълим муассасалари учун мебель ва махсус жиҳозлар, шунингдек, спорт анжомлари

ишлаб чиқарилмоқда, — дейди ушбу жамиятнинг бўлим бошлиғи Елена Дубовская. — Металл ҳамда шisha-пластик асосида тайёрланаётган маҳсулотларни

маҳаллийлаштириш кўлами 70 фоизни ташкил этаётгани уларнинг сифати юқори, нархи эса нисбатан арзон бўлишини таъминляпти. Натижада буюрт-

малар ой сайин кўпайиб, йилига 16 — 18 миллиард сўмлик маҳсулотлар етказиб бериляпти.

(Давоми 2-бетда).



ЭХТИРОМ

“Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг”. Бундан етти аср муқаддам Амир Темури амри билан бунёд этилган маҳаббатли ва муҳташам Оксарой пештоқиға битилган ушбу сўзларни ўқигач, бобокалониимизнинг бунёдкорлик борасидаги бемисл қудрати, юксак даҳоси, асрларга татигулик эзгу ишларини яна бир карра ёдга оласиз.

Бунёдкорлик ва амалий шижоат самараси

Муҳими, соҳибқирон бошлаб берган улугвор ишлар авлодлар учун ибрат, бунёдкорлик, ободончилик борасидаги кенг кўламли савий-ҳаракатларимиз учун дастуриламал бўляпти.

Амир Темури улкан давлат барпо этиш билан бирга, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини олиб борган: шаҳарлар, қўрғонлар, қарвонсаройлар, бозорлар, рабоблар, суғориш тармоқлари, экинзорлар, бог-роғлар ва яна кўплаб турли иншоотлар қурдирган. Президентимиз Ислам Каримов бобокалониимизнинг ана шу ибратли фаолиятига тўхталиб, “Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқанд, Тошкент ва соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар,

тенгсиз боғу роғлар Темурибек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир”, дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Бунёдкорлик ишлари аниқ режа асосида олиб борилган ва улар учта асосий йўналишни ташкил қилган. Булар — шаҳарсозлик, турли обидалар, ободончилик масканлари барпо этиш, хунармандчилик ҳамда халқаро савдо, илм-фан ва маданият ривожини. Шаҳарсозлик фаолиятида маъмурий марказлар, халқаро савдо йўлларидаги шаҳарлар ҳамда шаҳар-қўрғонлар қуришга катта эътибор қаратилган. Маъмурий марказлар сифатида иккита кентнинг нуфузи энг юқори ўринда нуфуси энг юқори Самарқанд бўлса, иккинчиси қўхна Кеш (Шаҳрисабз)дир.

(Давоми 4-бетда).



Маҳалла сайловининг ўзига хос хусусиятлари

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва пировардида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай савий-ҳаракатлар туфайли маҳалланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда аҳамияти тобора юксалиб бораёпти.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Айни чоғда ушбу институт демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “...бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда”.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир саналади. Унинг муҳимлиги, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳалқ ва давлат ҳаётидаги

алоҳида ўрни, ўтказилаётган кенг миқёсли ислохотларда уларнинг иштироки билан белгиланади.

Жадал ривожланаётган ижтимоий ҳаёт, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол иштирокини таъминлаш фуқаролар йиғинлари раисла-

ри ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб фуқароларнинг сайланишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май — июнь ойлари этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).



Йирик инвестициявий лойиҳалар

саноат тармоқлари ривожига хизмат қилаёпти

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги инвестиция дастури доирасида йил охиригача “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси тизимида умумий қиймати 624,08 миллион АҚШ долларилик тўққизта лойиҳа бўйича ишлар тўлиқ якунланади.

АНЖУМАН

Натижада автотранспорт воситаларига газбаллон ускуналари ўрнатиш хизматларини кўрсатиш марказлари, 80 минг тонна гранулаштирилган олтингугурт, 8 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш

объектлари, қуввати 18 МВтга тенг сиқув компрессор станцияси, 6 миллиард кубометр газ тозалаш корхоналари каби йирик иншоотлар ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Кеча Тошкент шаҳрида “Ўзбекнеф-

газ” Миллий холдинг компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ана шунлар ҳақида сўз юритилди.

Кайд этилганидек, Инвестиция дастурига мазкур компаниянинг 38 та лойиҳаси киритилган бўлиб, уларнинг ижроси учун 20,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилади. Шу мақсадда нафақат ички ресурслар, балки тижорат банклари кредитлари, хорижий инвестициялар жалб қилиниши белгиланган.

(Давоми 2-бетда).



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Таълим соҳасида ҳамкорлик

● Фаргона

Германиянинг “Knauf” компанияси қўлағи билан Марғилон қурилиш касб-хунари коллежида ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Ушбу таълим даргоҳига тақдим қилинган турли адабиётлар ва қўлланмалар муассаса ёшлари учун ўзига хос совға бўлди.

— Компаниямиз халқаро қурилиш бозорида катта мавқега эга, — дейди “Knauf” вакили Франц Зацингер. — Ўзбекистонда ҳам, бир неча йилдирки, муваффақиятли фаолият юритиб келаямиз. Мамлакатингиз ёшлари-

нинг ғайрат-шижоати, билим олишга бўлган иштиёқи, интилишларини кўриб уларга ҳавасимиз келади. Мазкур коллежга ўзимизнинг камтарона тух-фамизни тақдим этганимиздан мамнунмиз.

Дарвоқе, компания ушбу таълим муассасаси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларининг бунёдкорлик ишларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги изланишлари германиялик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ишлаб чиқариш компьютер назоратида

● Бухоро

Бухоро шаҳридаги “Hushbudy Cosmetics” масъулияти чекланган жамияти ўтган йили хорижлик буюртмачиларга 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги косметика маҳсулотларини етказиб бериб, экспортчи корхоналар сафидан ўрин олганди.

У бундай муваффақиятга фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш эвазига эришди. Чунончи, замонавий корхонада барча жараён компьютерлар воситасида бажарилади. Маҳсулотда учраш эҳтимоли бор бактерияларга эса махсус хоналарда ўрнатилган кварцли лампалар воситасида барҳам берилади. Айни пайтда бу ерда бир тонна атрофдаги хом ашё қайта ишланиб, импорт ўрнини босадиган ўндан эиёд турдаги атирсовонлар, идиш ювиш воситалари, шампуналар тайёрланмоқда. Корхона жамоаси жорий йилда экспорт салмоғини уч маротаба оширишни мўлжалламоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхона мавқеи мустаҳкамланмоқда

● Хоразм

Хонқа туманидаги тикувчиликка ихтисослаштирилган “Мадонна” хусусий корхонасида ойига ўртача 100 миллион сўмликка яқин 50 турдан эиёд маҳсулот тайёрлана-япти. Шунингдек, бу ерда замонавий эиик ва дераза ромлари, жалюзилар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

“Мадонна” жамоаси ички бозордаги талаб ҳамда таклифни чуқур ўрганган ҳолда, фаолиятини кенгайтиришга инти-моқда. Яқинда корхона

цехларига 200 миллион сўмлик сармоя эвазига янги дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Пировардида маҳсулот сифати ҳам яхшиланди.

— Илғор технологияларни жорий этганимиз самардорлиқни таъминламоқда, — дейди корхона раҳбари Бекпошша Қазоқова. — Эндиликда мебелсозлик тармоғини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бу эса ички бозорда ўз мавқеимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Табиий ва шифобахш

● Андижон

Жалакудук туманидаги “Дарғадармон набобат” хусусий корхонасида маҳаллий шароитга мослаштирилган стевия ўсимлигидан шифобахш чой ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш керакки, бундай чой қандли диабет, жигар, буйрак, ошқозон-ичак хасталиklarининг олдини олишда ёрдам беради. Қон босимини меъёрлаштиради. Шунингдек, мазкур ўсимликдан қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

— Ўтган йили 107 миллион сўмлик кредит эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтирдик, — дейди хусусий корхона раҳбари Яхёбек Ёкубов. — Лабораториямизга эга бўлдик. Қадоклаш цехи ташкил этдик. Туман ҳокимлиги томонидан 5 гектар экин майдони ажратиб берилди. Эндиликда бу ерда топинамбур ва бошқа шифобахш ўсимликларни етиштириш ҳамда шу орқали фаолиятимизни янада ривожлантиришни режалаштираямиз.

Сандаҳмад ШУКУРОВ.

2

WWW.XS.UZ

«Халқ сўзи»
газетаси сайтида ўқинг

» Кучли, билимли ва бахтли авлод

» Мавжлар оҳанрабоси

БИР РАҚАМ ШАРҲИ


2015 йилда юртимизда касб-хунари коллежларининг

480 мингдан
ортиқ

битирувчилари иш билан таъминланди.



Таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани, ёшларни бизнесга кенгроқ жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилгани, тижорат банклари томонидан эса тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ниятидаги йигит-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилгани бу борада муҳим омил бўлди.



Импорт ўрнини босади

Сирдарё

Боёвут туманидаги “Жамол Шер омад” хусусий фирмасида ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилгач, олинаётган даромад миқдори ортди.

— Фаолиятимизни дастлаб хизмат кўрсатишдан бошлагандик, — дейди корхона раҳбари Отабек Худойбердиев. — Банкнинг 90 миллион сўмлик кредити ҳисобига хориждан кир ювиш воситалари тайёрлашга мўлжалланган технология сотиб олдик. Ҳозир

икки турдаги ана шундай маҳсулотни қадокланган ҳолда ички бозорга етказиб бераёпмиз.

Дарҳақиқат, мазкур цехда айни пайтда маҳаллий хом ашё асосида кунига 500 килограммгача юкори сифатли, импорт ўрнини босувчи кир ювиш кукунни ишлаб чиқарилмоқда. Корхона қошида замонавий ашик ва дераза ромлари ясашга ихтисослаштирилган янги тармоқни ташкил этиш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилаётди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Малакали мутахассис ишсиз қолмайди

Наманган

Бахриддин Шамсидинов — бу йил Наманган муҳандислик-технология институти битиради. Шунинг учун у яқинда олий ўқув юртида ўтказилган “Карьера кунлари — 2016” меҳнат ярмаркасига қатнашди. Бўй иш ўринларини тақдим этган корхоналарнинг кўргазмалари билан яқиндан танишди. Чуст туманидаги “Сероб сут” масъулияти чекланган жамиятига унинг йўналишидаги мутахассиси керак экан. Корхона раҳбари Одилжон Муллажонов билан батафсил суҳбатлашди. Бўлажак муҳандис-технологнинг билими ва малакаси иш берувчига маъқул тўшди. Ўзаро мулоқотдан сўнг келишувга эришилди. Эндиликда Бахриддин олий таълим муассасасини тугатгач, ушбу корхонада иш бошлайди.

Таъкидлаш керакики, меҳнат ярмаркасида 60 дан ортиқ корхона ҳамда муассасалар иштирок этиб, талабаларга ўзларида яратилган меҳнат шaroитлари, касб малакасини ошириш учун мавжуд имкониятлар ҳақида маълумот бердилар.

— Олий ўқув юртимизни бу йил 508 нафар йигит-қиз битириб, бакалавр ва магистр дипломига эга бўлади, — дейди институт маркетинг хизмати бўлими бошлиғи Баркамол Ибрагимов. — Улар орасида иқтисодиёт, маркетинг, енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси, метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти каби ўндан зиёд йўналишлар бўйича мутахассислар бор.

Меҳнат ярмаркасида шу кунги 150 дан ортиқ уч томонлама шартномалар имзоланди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Марказ фойдаланишга топширилди

Қашқадарё

Муборак туманида “Сардоба” маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишларига 537 миллион сўм йўналтирилди. Масканда фольклор-этнографик жамоалар, рубоб, рақс, рассомлик, анъанавий хонандалик бўйича тўғрақлар ташкил этилган. Шунингдек, ёшларга тикувчилик сир-асрорларини ўргатиш учун ҳам барча шарт-шaroит мавжуд.

— Ҳадемай, компьютер сабоқлари, бадий гимнастика, футбол сингари спорт тўғралоқлари фаолиятини йўлга қўймоқчимиз, — дейди марказ директори Фозил Мадиев. — 300 ўринли залимизда турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш мумкин. Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, билимини бойитиш, истеъдод ҳамда қобилиятини юзага чиқаришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 5 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	2198,91	1 Украина гривнаси	110,41
1 Англия фунт стерлинги	4099,75	1 Малайзия ринггити	743,34
1 Дания кронаси	440,72	1 Польша злотийси	771,62
1 БАА дирҳами	784,85	1 СДР	4062,07
1 АҚШ доллари	2882,68	1 Туркия лираси	1021,54
1 Миср фунти	324,63	1 Швейцария франки	3008,43
1 Исландия кронаси	23,43	1 Евро	3249,58
1 Канада доллари	2209,63	10 Жанубий	
1 Хитой юани	445,02	Корея вонн	25,09
1 Россия рубли	42,93	10 Япония йенаси	258,65

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра, 9764 нафар фуқаролар йигини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётди. Шунинг ўзидек, мазкур сайлов жараёнида қатнашадиган ҳар бир фуқародан катта масъулият талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил

Айни пайтда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига биноан, фуқаролар йигини раисининг маслаҳатчилари фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга ҳам раҳбарлик қилиши мумкинлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган кенг қамровли вазифалар ижросини таъминлаш эса уларда фаолият кўрсатадиган ҳар бир жамоатчилик комиссияси ишини самарали ташкил этиш билан уз-

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунига кўра, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар ҳамда кўмаклашувчи комиссиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг қонуний манфатларини ва тенг сайлов ҳуқуқи принципига риоя этилишини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада кўмаклашувчи комиссиялар белгиланган вакиллик нормаси асосида

лашда қатнашишини инобатга олиб, салоҳиятли шахсларнинг вакиллар сифатида сайланишига аҳамият бериш долзарб вазифалардандир.

Фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда, ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Шунингдек, фуқаролар йигини раиси маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шахарчалардаги,

Маҳалла сайловининг ўзига хос хусусиятлари

этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик, тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади. Яъни фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очик ва ошкора олиб борилади. Ушбу сайлов ташкил этилаётган ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, фуқаролар йигини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунлари тўғрисида хабардор қилинади. Бу жараёнлар оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Муқобиллик принципи, ўз навбатида, фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йигини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунлари тўғрисида хабардор қилинади. Бу жараёнлар оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Муқобиллик принципи, ўз навбатида, фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йигини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади.

вий боғлиқлиги, ўз навбатида, нафақат фуқаролар йигини раислари, балки уларнинг маслаҳатчилари ҳам ҳар томонлама муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлаш аини зарурат эканлигидан далолат беради.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи орқали фуқаролар йигини раиси ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига, шунингдек, фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йигинининг (фуқаролар вакиллари йигилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

Фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йигини томонидан, фуқаролар йигини-ни қачирисх имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йигилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

ишчи гуруҳлар томонидан ҳудуддаги уйлар ҳамда кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича ташкил қилинадиган умумий йигилишларида сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг тўлақонли қамраб олинishiга эътибор қаратилиши муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, вакилларнинг ҳам 2,5 йил муддатга сайланишини ва фуқаролар йигини ваколатига кирувчи масалаларни қўриб чиқишда, муҳокама қилишда ва ижросини таъмин-

қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги инобатга олинган ҳолда, фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) томонидан белгиланади.

Фуқаролар йигини раиси ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади, овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

Умуман олганда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Зеро, сайловни Қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик руҳда ўтказиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамяти институтлари тизимидаги ўрнини мустақамлашга, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамяти сари” тамоийлидан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

ЗАМОНАВИЙ, СИФАТЛИ ВА ЭКСПОРТБОП

маҳсулотлар тайёрлашга кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда корхонада 300 хилдан ортиқ маҳсулотлар, шу жумладан,

65 турдаги спорт жиҳозлари тайёрланмоқда. Шундан 31 хилни Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш

ўзлаштирилгани диққатга сазовор. Уларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб юқори. Ўтган йили 6 минг

248 АҚШ долларилик спорт анжомлари экспорт қилингани бунга мисол бўла олади.

Айни пайтда жамятнинг 100 кишилик жамоаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш кўламини янада кенгайтириш устида изланмоқда. Шу мақсадда чет элдан металлга чуқур қайта ишлов берувчи ускуналар олиб келиш саъй-ҳаракати бошлаб юборилди. Мазкур лойиҳа рўёби эса ҳудуд саноатини тараққий эттириш, ички бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўндириш, экспортда қўшимча қийматга эга товарлар уллушини кўпайтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

Жаҳон бозорига кенг йўл

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизнинг танч кучларидан бирига айланиб бормоқда. Ўртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорларга берилаётган турли имтиёзлар уларга нафақат ички бозорга, балки жаҳон бозорига дадил кириб бориши учун кенг йўл очаяпти.

ислоҳот

Зеро, Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи — шунга

эътибор беринг — мазкур тармоқда меҳнат қилаётган, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаетгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг аққол исботи, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан”, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ўртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган ишбилармонларимиз саъй-ҳаракати билан бугун “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида тайёрланаётган маҳсулотлар дунё бозорига тобора шухрат қозонмоқда. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида Жамғармамиз томонидан 3213 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш учун ташкилий,

ҳуқуқий ҳамда молиявий хизматлар кўрсатилгани натижасида тадбиркорларимиз 1 миллиард 45 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётини бажаришди.

Қачонки, тадбиркор ўз маҳсулотини халқаро стандартларга мос равишда тайёрлаб, хизматларини шунга ҳамоҳанг тарада ташкил этсагина, жаҳон бозорига чиқа олади. Шу боис ўтган йили ушбу омилларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 27 та ишлаб чиқариш корхонасида халқаро ISO стандарти бўйича сифат бошқаруви тизими жорий қилинди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда жаҳон бозорига янги

турдаги инновацион экспортбоп маҳсулотларга, айниқса, талаб охиб бораётди. Шундан келиб чиқиб, Жамғармамиз ташаббуси остида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда республикаимизнинг барча ҳудудида “Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва жаҳон бозорида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар” қўриқ-танлови уюштирилди. Мазкур танловда озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, қурилиш, машинасозлик ва электротехника йўналишларида қўлаб ишланмалар намоийш қилинди. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти самарали ҳамда янгилиги билан ҳаммада қизиқиш уйғотди. Мисол учун, ўтган йилги танловда Тошкент кимё-технология институти томонидан тақдим этилган, кислотаси меъёрлаштилган табиий анор

шарбати ва концентратини ишлаб чиқариш технологиясини

Йирик инвестициявий лойиҳалар

саноат тармоқлари ривожига хизмат қилаяпти

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, шу йилдан эътиборан 16,3 миллиард долларлик чет эл сармоysi иштирокида 14 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаяпти. Уларда геологик-қидирув ишларини олиб бориш, углеводородлар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, ҳажмини кўпайтириш, янги мажмуаларни барпо қилиш, полимер ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрлаш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган. Саноатимиз ривожига алоҳида ўрин тутадиган ана шу йирик лойиҳалар дунёга машҳур компаниялар иштирокида рўёбга чиқарилаётгани диққатга сазовордир.

“Сурғил” кони негизида барпо этилган Ўспурт газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқаришни лойиҳа қувватига етказиш ва конни ободонлаштиришга доир лойиҳа эса кўлами жиҳатидан нихоятда улканлиги билан ажралиб туради.

Соҳа мутахассислари ҳамда чет эллик экспертлар бу объектни дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган йирик корхоналардан бири сифатида эътироф этишаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки ушбу мажмуанинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошади. Бу ерда қурилиш ишлари ўтган йили

яқунланиб, заводлар Германия, Франция, Япония, АҚШ, Швеция, Голландия, Жанубий Корея сингари давлатларнинг технологик линия ва ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Улар ёрдамида йилга 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш, полиэтилен тайёрлаш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш имконияти мавжуд. Ваҳолонки, полипропилен илгари юртимизга катта миқдордаги валюта ҳисобига четдан олиб келинар эди.

Таркибида бешта завод фаолият юритадиган мажмуанинг илк маҳсулотлари экспорт қилина бошлангани, айниқса, қувонарийдир. Хусусан, Полимерлар заводида тайёрланаётган полипропилен 2015 йилнинг декабрь ойидан чет эллик буюртмачиларга жўнатишмоқда.

Анжуманда “Қандим” конини ўзлаштириш ва замонавий газни қайта ишлаш заводини қуриш, табиий газдан олефинлар ишлаб чиқариш, Шўртан газ-кимё мажмуасида эса тозаланган метандан синтетик суюқ ёнилғи олишни йўлга қўйиш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар хусусида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Тўртқўл туманидаги “Алкен мебель” масъулияти чекланган жамятида йўлга қўйилган қулайлик аҳолининг корхона маҳсулотларига бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Гап шундаки, бу ерда ёш оилалар учун мебель жамламалари имтиёзли нархларда сотилаяпти.

Ёш оилаларга имтиёз

— Банкнинг 200 миллион сўмлик молиявий кўмаги маҳсулотларимиз сифати ва тури ошишига ижобий таъсир кўрсатди, — дейди МЧЖ раҳбари Музаффар Қурбонниёзов. — Негаки, ушбу кредит ҳисобига хориждан ёғочга ишлов берувчи, прессловчи, ҳар хил нақшлар солувчи замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатдик. Ҳозир идора ҳамда уй-рўзгор учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган 20 турдан зиёд мебелларимиз ички бозорда ўз ўрнини топиб улгурди.

Айтиш жоизки, “Аlkendoor” савдо белгиси билан маҳсулот тайёрланаётган ушбу корхонада касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 20 нафари доимий иш билан таъминланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ана шулар сирасига киритиш мумкин.

Гап шундаки, жорий технология ёрдамида биринчи марта аччиқ анордан хуштаъм табиий маҳсулот олишга эришилди. Негаки, аччиқ анорда кислота миқдори юқори бўлади. Шу боис бундай шарбат кўпинча ширин анордан олинади. Ушбу ичимликка эса Европа, Осиё, умуман, дунё миқёсида талаб юқори.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги технология асосида бошқа турдаги мевалардан ҳам шарбат олиш мумкин. Қолаверса, у анча тежамкор ҳисобланади.

Шу билан бирга, Жамғармамиз томонидан фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда бодгорчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган туманларда янги агрофирмалар ташкил этилаётгани, бу маҳсулотларни йил давомида сархил сақлаш ҳамда хорижлик харидорларга етказиб бериш имконини ошираяпти. Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз барқарорлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Қамолiddин НУРМАТОВ,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўлаб-қувватлаш жамғармаси директорининг ўринбосари.

ЖАХОН

24

СОАТ ИЧИДА

Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Sharp” (Япония) корпорациясининг 66,6 фоизлик акциялар пакетига эгалик ҳуқуқини Тайваннинг “Foxconn Technology Group” компанияси сотиб оляпти.

Акцияларини сотиб олди



Бунинг учун харидор қарийб 3,5 миллиард АҚШ доллари тўлайди-ган бўлди.

Бундан юз йил олдин

механик қаламлар чиқа-риш орқали ўз фаолияти-ни бошлаган “Sharp” ўтган даврда суюқ кристалл экранли телевизорлари-ни етказиб бериш бўйича жаҳонда етакчи ўринлар-дан бирига кўтарилганди. Буни қарангки, “сма-рт-фонлар инқилоби” уни инкирозга олиб келди.

Қизиқарли тадқиқот

Океанортидаги тўртта университет олим-лари биргаликда “Дўконга боришдан олдин зарур маҳсулотлар номини қозоғга тушириб олган маъқулни ёки хотирада сақлаган афзалми?” деган савол юзасидан тадқиқот ўтказишди.

Бунинг учун 700 нафар харидор танлаб олинди. Уларнинг бир гуруҳига сотиб олинадиган йигирма турдаги мева ва सबзавот номи ёзма тарзда берил-ди. Қолганларга эса шулар оғзаки айтилди. Натижа-да қўлида эслатмаси борлар топшириқни тез ҳамда аниқ бажаришди. Фақат хотирага ишонганларда бу кўрсаткич нисбатан камлиги аниқланди. Хўлоса: бозор-ўчарга зарур товарлар номи туширилган рўйхат билан боринг.

Таркибини аниқлайдиган қурилма

“Озик-овқат маҳсулотлари таркибини аниқловчи сканер яратилди”, дея хабар қилинади “Washington Post” нашрида.



Мазкур қурилма маҳ-сулот таркиби, хусусан, унда қанча микдорда ви-тамин, қанд ва бошқа

моддалар борлиги ҳамда егуликнинг сақ-ланиш муддатларини кўрсатиб беради. Ўз нав-батида, у нон маҳсулот-ларидаги оксил ҳажмини ҳам аниқлай олади.

Ушбу кашфиёт, ай-ниқса, қандли диабет касаллигига чалинган одамлар учун жуда асқатади.

Ялпиз, апельсин...

Жорий йил мода оламида ёрқин қизил, ялпиз, олов, апельсин, нефрит, неон, оч кўк ва сиёҳ ранглар яна урфга киради. Бу ҳақда “Vogue” наشري хабар берди.

Айни пайтда “Moschino”, “Akris”, “Hermes” каби машҳур брендлар ана шу туслар кенг қўлланилган янги коллекцияларини намойиш этаяпти.

Мазкур жабҳага ихтисослаштирилган Пантон институти томонидан аниқланишича, бу мавсумда ёрқин чақмоқтош ва оч само ранглари ҳам кенг оммалашади.

«Маслаҳатчи» билагузук

“Ringly” компанияси томонидан жисмоний фаоллиқни назорат қилувчи “аклли” билагузук яратилди.



гарлик нуқтаи назаридан ҳам нафисдир. Сабаби, унинг турлари ичида яримқимматбаҳо тошлар билан безатилганлари ҳам бор.

Ушбу буюм қадамлар сони, босиб ўтилган ма-софа, сарфланган кало-рияни ҳисоблаб, тегишли тавсиялар беради. У бир марта қувват олдирилса, 24 — 28 соат ишлайди.

Энг бой собиқ спортчилар

“Forbes” журнали тузган рейтинг бўйича, АҚШлик машҳур баскетболчи Майкл Жордан профессионал фаолиятини яқунлаганлар орасида энг кўп ҳақ оладиган спортчи сифатида эътироф этилди.

У ўтган йили реклама роликларида суратга тушга-ни учун 110 миллион доллар ишлаб топган. Иккинчи ўринни 2013 йилда бутсисини “михга ил-ган” англиялик футболчи Дэвид Бекхэм эгаллаган. Унинг бу борадаги даромади 65 миллион долларни ташкил қилган. Учинчи поғонадан таниқли гольфи Арнольд Палмер жой олди. Эътиборлиси, у узок йил-лик фаолияти давомида 1,8 миллион доллар топган бўлса, ўтган йилда рекламалардаги чиқishi учун 40 миллион доллар эгасига айланди. Аёллардан би-ргина хитойлик Ли На рўйхатга киритилди. Икки йил олдин катта спортдан кетган ракетка устаси ҳисоб ра-қамига 2015 йилда 14 миллион доллар келиб тушган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мусаффо ҳаво, гўзал манзаралар

Ҳар йили баҳорда юртимизда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Натижада шаҳару қишлоқларимиз боғ-роғларга, яшилликка бурканмоқда. Шу кунларда манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экиш тадбирлари янада қизғин тус олган. Сабаби, қуёш ҳамал буржига оғган ҳозирги пайтда ўтказилган ниҳол беҳато униб чиқади. Халқимиз “Ҳамал кирди — амал кирди”, деб бежиз айтмайди-да!

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Президентимизнинг “2016 йл-ги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтқа-зиш тўғрисида”ги қарорида ҳам деҳқончилик мавсумининг бошла-ниши, яшариш ҳамда янгиланиш, кут-барака, ободлик ва фаровон-лик рамзи бўлиши Наврўз фас-лида маҳаллаларда, шаҳару қиш-лоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламли ободончилик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича аниқ вази-фалар белгилаб берилгани, ай-ниқса, бу борадаги ишларга ян-гича руҳ бағишланди. Пироварди-да бугунги кунга қадар республи-камиз бўйича 145 миллион туп-дан зиёд манзарали ва мевали дарахтларнинг кўчат ҳамда қалам-чалари, шу жумладан, 368 минг туп ноёб дарахт ниҳоллари ўтказилди.

